

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 3.01

2016 йил “08” 08



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “25” 08

УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000 – Педагогика; 120 000 – Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича); 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Шамшетова А. - ЎзДЖТУ “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчи, психология фанлари номзоди

Мелибаева Р. - ЎзДЖТУ “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

Усманова Х. - ЎзДЖТУ “Педагогика ва психология” кафедраси доценти, психология фанлари номзоди

Умаров Б. - Тошкент тиббиёт академияси “Педагогика ва психология” кафедраси профессори, психология фанлари доктори

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

Фаннинг долзарблиги

Ҳозирги даврда умумий психология фанини ўқитиш бўлғуси ўқитувчиларда психологик билимларини ривожлантириш, умумий психологияфанининг мазмун - моҳияти, психологиянинг илмий тадқиқот методлари, психик тараққиёт ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар, психологик объектив қонуниятлар, механизмлар, онтогенезнинг турли босқичларида психик ривожланишнинг асосий хусусиятлари, шахс ҳуқ-атворининг ўзгариб бориши ҳақидаги билимлари илмий-назарий жиҳатдан умумий тайёргарликни таъминлашга йўналтирилган.

Ҳар бир ўқитувчи ўқув-тарбиявий фаолиятни муваффақиятли олиб бориши учун зарур бўлган психологик билимлар ва кўникмаларнинг умумий ҳажмини, ўқитувчи-мураббийга хос умумий касбий ва шахсий фазилатларни эгаллаши лозим. Шунга кўра ҳар бир мутахассис-ўқитувчи умумий психология фанидан чуқур билим, малака ва кўникмаларни эгаллашини тақозо этади.

Мазкур фан шахс психологияси ва унинг психик жараёнлари ҳақида билимларни беради, шу билан бирга бўлғуси ўқитувчилар психологиянинг объектив қонуниятлари, механизмлари бўйича билимга эга бўладилар, касбий фаолиятга тайёрланадилар.

Фан мазмуни талабаларнинг умумий психологик билим даражасини кенгайтириш, таълим-тарбия психологияси унинг ривожланиш жараёни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва ҳар бир тарихий босқичида илмий психологик билимлар даражаси билан боғлиқлиги тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилади. Бўлажак мутахассислар "Умумий психология " курсини ўрганиш давомида бошқа психологик-педагогик ўқув фанлари, психологик тушунчалар юзасидан фикр юритади ҳамда психологик категориялар мазмуни ва моҳиятини тушуниб боради.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Умумий психология фани – фалсафа, педагогика, сиёсатшунослик, маданиятшунослик, социология, ҳуқуқшунослик, мантик, этика ва эстетика, психофизиология, этнопсихология, психологик хизматни ташкил этиш, бошқарув, ўқув фанларини ўқитиш методикаси, педагогик технология ва педагогик маҳорат, Ўзбекистон тарихи, таълим тизими менежменти, маънавият асослари, физиология каби бир қатор фанлар билан узвий алоқада ўрганилади.

Фаннинг илм-фан, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Умумий психология фани ишлаб чиқариш жараёни билан боғланган. Мазкур фан педагог кадрлар тайёрлашнинг муҳим ва ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу фан доирасида ўзлаштирилган билимлар талабаларнинг келгусидаги педагогик фаолиятларида муҳим рол ўйнайди, таълим тизимининг турли босқичларидаги касбий фаолиятлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир жамиятнинг тараққиёти ва истиқболи таълим тизимининг жадал ривожланиши, ижтимоий ҳаёт, ишлаб чиқариш билан ўзаро мувофиқ келиши, жаҳон таълимининг юқори натижаларига эриша олиши, мавжуд субъектив эҳтиёжларни қай даражада қондира олишига бевосита боғлиқ. Таълим ислохотилари яъни туб маънодаги ўзгаришларнинг тобора янги ғоя ва қарашлар билан бойиб бораётганлиги, ёш авлод интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи, замонавий технологияларнинг яратилганлиги, талабаларда юксак маънавий-ахлоқни шакллантириш, умумий психологик билимларидан самарали фойдаланиш натижаларига ҳам боғлиқ. Шунга кўра ушбу фан асосий ихтисослик фанлардан бири бўлиб, малакали педагог кадрларни тайёрлаш тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади.

Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш

Талабалар “Умумий психология” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, кейс-технологияларидан фойдаланилади. Маъруза ва семинар машғулотларида ўқитишнинг интерактив усуллари (визуал, муаммоли, муаллифлик маърузалари, икки томонлама таҳлил, Инсерт, кластер, “Венна”, Синквейн ва бошқалар)дан фойдаланилади.

Фан ўқитувчиси томонидан педагогик ва модулли технология тамойиллари асосида “Умумий психология” фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Фан модулининг дастури (module syllabus)

Ўқув курсининг тўлик номи:	“Умумий психология”		
Курснинг қисқача номи:	УП	Код: УП	
Кафедра:	Педагогика ва психология		
Ўқитувчи ҳақида маълумот:	Ф.И.Ш. Шамшетова Анжим Карамаддиновна пс.ф.н.	E-mail. shamshetova1974@mail.ru	
Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги	2,5 - семестрлар, 76 ҳафта		
Ўқув соатлари ҳажми:	жами:	206	
	шунингдек:		
	маъруза	56	
	семинар	58	
	амалий мустақил таълим	92	
Ўқув курсининг статуси	Умумқасбий фанлар блоки		
Дастлабки тайёргарлик:	Курс “Умумий психология”, “Ёш даврлари ва педагогик психология”си фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
<p>Фаннинг предмети ва мазмуни: – умумий психология фанининг қонуниятлари, психологиянинг асосий тушунчалари, психологик тамойилларини, психик жараёнларини ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга йўналтирилган.</p> <p>Фанни ўқитишдан мақсад – Талабаларда психология фани, психика, шахс, фаолият, мулоқот, билиш жараёнларига доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, соҳага доир замонавий илмий билимларни ўзлаштиришни ташкил этишдан иборатдир.</p> <p>Фанни вазифаси - бакалаврларга психологиянинг моҳияти, долзарб вазифалари, муаммоларини таништириш, психология фанининг асосий методлари ҳақида умумий билимлар бериш; психика ва онгнинг тараққиётига оид илмий билимлар бериш, мулоқотни ташкил этишнинг самарали усул-воситаларига доир психологик билимларни бериш, шахс муаммосининг ўзига хос жиҳатларини ўргатиш, миллий истиқлол ғояси ва миллий мафқурани ёшлар онгига сингдириш даврида янги тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришнинг психологик тамойиллари, шарт-шароитлари тўғрисида билимлар бериш, хорижий тилларни ўрганишнинг психологик хусусиятлари, «Мен» - образи ва ўз-ўзига баҳо диагностикаси ҳақидаги психологик билимлар билан қуроллантириш, шахс баркамоллигига алоқадор тарбия воситаларини ўз фаолиятларида қўллай олишга ўргатишдан иборатдир.</p> <p>Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар: Умумий психология фанини ўзлаштириш натижасида талабалар қуйидаги билимлар билан қуролланган бўлиши зарур:</p> <ul style="list-style-type: none"> - психология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари ҳамда илмий тадқиқот методлари ва уларни қўллай олишни билиши керак; - психика ва онг ҳамда уни ривожланиш хусусиятларини билиши керак; 			

- шахнинг характеристикаси ва унинг ривожланиш хусусиятлари тўғрисидаги билимларга эга бўлиши керак;

- билиш жараёнлари ва уларнинг олами билишдаги ўрни ҳақидаги билимларни эгаллаган бўлиши зарур;

- муомала ва шахслараро муносабатлар психологиясини билиш;

- шахнинг индивидуал психологик хусусиятларини диагностика қилишни билиши керак;

- талаба шахсдаги психологик жараёнларини юзага келиш механизмлари, қонуниятлари, тузилиши, ташқи омиллар таъсирига берилишига доир ҳамда шахс камолоти йўлида таълим тарбия ишларини тўғри ташкил қилиш малакаларига эга бўлишлари керак

Курснинг тематик таркиби ва мазмуни

Т/р	Мавзу	Маъруза	Амалий (семинар)	Мустақил иш
2-семестр				
1.	Умумий психология фанинг предмети ва вазифалари ва илмий тадқиқот методлари	2	2	2
2.	Психика ва онгнинг тараққиёти	2	2	2
3.	Шахс ва фаолият	2	2	4
	Жорий назорат (ЖН)			
4.	Билиш жараёнлари ҳақида тушунча(сезги, идрок, диққат, хотира, ҳаёл)	4	4	10
5.	Тафаккур ва мустақил фикрлаш шарт-шароитлари.	4	4	4
	Оралиқ назорат (ОН)			
6.	Мотивация, ҳис-туйғу ва ирода	2	2	4
7.	Шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари. Темперамент характер ва қобилият	2	4	4
	Жорий назорат (ЖН)			
	Яқуний назорат (ЯН)			
	2-семестр бўйича жами	18	20	30
5-семестр				
8	Ёш в педагогик психология фанининг предмети, вазифалари	2	2	4
9	Ёш ва педагогик психология фанининг тадқиқот методлари	2	2	4
10.	Психик тараққиёт ва таълим	4	4	4
	Жорий назорат (ЖН)			
11.	Илк болалик даврида психик ривожланиш хусусиятлари	2	2	4
12.	Макта гача ёш даврда психик ривожланиш хусусиятлари	4	4	4
	Оралиқ назорат (ОН)			
13.	Кичик мактаб ёши даврида психик ривожланиш хусусиятлари	4	4	4

	Жорий назорат (ЖН)			
14.	Ўсмирлик даври психологияси	4	4	6
15.	Илк ўспиринлик ёши даврида психик ривожланиш хусусиятлари	2	2	4
16.	Талабаларнинг психологик хусусиятлари	2	2	4
	Жорий назорат (ЖН)			
17.	Етуклик даврининг психологик хусусиятлари	2	2	4
18.	Психогерантология –кексалик психологияси	2	2	4
19.	Педагогик фаолият психологияси	2	2	4
	Жорий назорат (ЖН)			
20.	Таълим психологияси	2	2	4
21.	Тарбия психологияси	2	2	4
22.	Ўқитувчи психологияси.	2	2	4
	Оралик назорат (ОН)			
	Якуний назорат (ЯН)			
	5-семестр бўйича жами	38	38	62
	умумий	56	58	92
Таълим бериш ва ўқитиш услуги:	Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (айлана стол, кейс стади, мастер-класслар)			
Мустақил ишлар:	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдирот, рефератлар, кейслар, асессментлар, маърузалар, кроссвордлар, кўшимча адабиётлар ва ҳ.з.			
Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти	Кунлар	Вақти	Ауд.	
1.				
2.				
3.				
Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:				
ЖН ва ОН нинг баллари ишчи дастурда берилди				
Баҳолаш усуллари	Тест, ёзма иш, оғзаки сўров, презентация ва ҳ.з.			
Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш	Назорат шакллари			
	Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест синовлари ёки бошқа кўринишда ўтказилиши мумкин.			
	Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони			
	Балл	Талабанинг билим даражаси		
	86 - 100 балл	- Психология фанининг назарий масалаларига оид хулоса ва қарорлар қабул қилиш; - Психология тарихи, тараққиёт босқичлари, психология мактаблари ҳақида мустақил мушоҳада юрита олиш;		

		<ul style="list-style-type: none"> - умумий психологияга оид олган билимларини амалда қўллай олиш; - умумий психология методлари моҳиятини тушуниш; - умумий психология асосий мактаблар, уларнинг йирик вакилларини билиш, айтиб бериш; - умумий психологиянинг долзарб муаммолари ҳақида тасаввурга эга бўлиш.
	71 - 85 балл	<ul style="list-style-type: none"> - умумий психология тарихи, тараққиёт босқичлари, психология мактаблари ҳақида мустақил мушоҳада юрита олиш; - умумий психологиясидан олган билимларини амалда қўллай олиш; - умумий психология методлари моҳиятини тушуниш; - умумий психология тарихида асосий мактаблар, уларнинг йирик вакилларини билиш, айтиб бериш; - умумий психологиянинг долзарб муаммолари ҳақида тасаввурга эга бўлиш.
	55 - 70 балл	<ul style="list-style-type: none"> - умумий психология методлари моҳиятини тушуниш; - умумий психология тарихида асосий мактаблар, уларнинг йирик вакилларини билиш, айтиб бериш; - умумий психологиянинг долзарб муаммолари ҳақида тасаввурга эга бўлиш.
	0 - 54 балл	<ul style="list-style-type: none"> - умумий психология фанининг муаммолари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаслик; - умумий психология предмети ва вазифаларини билмаслик.

Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:

Глоссарийлар:

Ахборот ресурс база:

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

1 модул. Умумий психология фанининг предмети, вазифалари ва илмий тадқиқот методлари

Психология фани ҳақида тушунчалар. Психология фанининг предмети ва асосий вазифалари. Психиканинг намоён бўлиши. Психологиянинг

ўрганилиш босқичлари (бихевиоризм, необихевиоризм, неофрейдизм). Психология фанининг фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Психология фанининг тармоқлари. Хорижий тилларни ўқитишнинг психологик жиҳатлари, хорижий тилни ўрганишнинг психологик принциплари, билиш жараёнларининг ўзига хослиги, инсонда хорижий тиллардаги матни ўқиш. Ахборот технологиялар асрида инсон психологиясининг ривожиди.

Ҳозирги замон психологияси фанининг илмий тадқиқот методлари. Б.Г.Ананьевнинг илмий тадқиқот методлари классификацияси, кузатиш методи ва унинг турлари, эксперимент методи, сўров методи ва унинг турлари, фаолият маҳсулини ўрганиш методи, тест методи, социометрия методи, биография методи. Проектив методлар.

2 модул. Психика ва онгнинг тараққиёти.

Психиканинг фелогенетик тараққиёти. Одам психикасининг пайдо бўлиши ва тараққиёти. Онг структураси ва унинг асосий психологик характеристикаси. Юксак психик функцияларнинг таркиб топиши ва уларнинг тузилиши, Психиканинг субстрати. Юксак психик функцияларнинг субстрати – мия. Психиканинг вазифаси. Онг ва унинг шакллари. Онг тушуниш сифатида. Онгсизликнинг онглиликдан фарқи, уст онглилик ҳолатлари, онг тузилмаси, онгнинг таркиби, акс эттирувчанлиги, ижодийлиги.

3 модул. Шахс ва фаолият

Фаолият ҳақида тушунча. Фаолиятнинг психологик талқини. Фаолият турлари. Фаолиятнинг интериоризацияси ва экстериоризацияси. Ўйин фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари. Ўқиш фаолияти, унинг компонентлари ва психологик хусусиятлари. Меҳнат фаолиятининг психологик хусусиятлари. Фаолиятда мувафақиятга эришиш. Фаолиятнинг шахс тараққиётидаги роли. Фаолият механизмлари, мотивлари, ҳаракат, мақсад, мнемик фаолият, фикрлаш фаолияти, фаҳм - фаросат воситасида турли хил муаммолар, масалалар ва жумбоқларни ечишга қаратилган фаолият. А.Н.Леонтев бўйича фаолият тузилиши. Фаолият ва мотивлар.

Шахс ҳақида тушунча, одам-инсон-индивидуаллик тушунчалари, шахс ижтимоий таъсирлар маҳсули сифатида: ижтимоий нормалар, санкциялар. Шахс назариялари, эндопсихика ва экзопсихика. Марказий Осиё мутаффақирлари ижодида шахс камолоти. Чет эл психологиясида шахс назариялари. Рус ва ўзбек психолог олимларнинг таълимотларида шахс ҳақидаги илмий қарашлар. Биогенетик ва социогенетик назариялар. «Мен»-образи ва ўз-ўзига баҳо. Шахсга хос бўлган объектив сифатлар, онглилик, жавобгарликни ҳис этиш, ўз кадрини билиш

4 модул. Билиш жараёнлари ҳақида тушунча(сезги, идрок, диққат, хотира, ҳаёл)

Сезги психик жараён сифатида. Сезгининг психофизиологик асослари. Сезги таснифи, инсон фаолиятида сезгининг роли, чет эл психологиясида сезги назариялари. Сезги когнитив жараённинг бошланғич нуқтаси (Р.Солсо). Анализаторлар. Сезгининг рецептор ва рефлектор назарияси.

Идрок ҳақида тушунча. Идрокнинг физиологик асослари. Идрок турлари. Идрокнинг асосий сифатлари. Идрокнинг индивидуал хусусиятлари. Идрокнинг асосий хусусиятлари унинг предметлиги, яхлитлиги, структуралиги, доимийлиги (константлиги) ва англашилганлиги. Идрокнинг янги қирралари.

Диққат ҳақида тушунча. Диққатнинг нерв-физиологик асослари. Диққат турлари. Диққатнинг асосий хусусиятлари. Диққатнинг кўчувчанлиги, бўлиниши, кўлами, кучи, барқарорлиги ва бўлиниши Диққатнинг ривожланиши.

Хотира. Хотиранинг психик жараён сифатида ўрганилиши. Хотира ва унинг психифизиологик механизмлари. Хотира жараёнлари ва унинг турлари: ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси, образ хотираси. Психологияда эйдетик образлар, сўз-мантик хотираси, ихтиёрсиз хотира, ихтиёрий хотира, оператив хотира. Хотирадаги индивидуал фарқлар. Хотиранинг ёшга боғлиқ сифатлари. Хотиранинг нейрофизиологик ва биохимик назариялари. Хотирани мустаҳкамлаш қонуниятлари. Ассоциация ва унинг турлари. Хотира мураккаб психик жараён эканлиги, хориж психологиясида хотира борасидаги психологик фикрлари.

Ҳаёл. Ҳаёл ҳақида тушунча. Ҳаёлнинг физиологик асослари. Ҳаёл турлари ва таснифи. Ширин ҳаёл, актив ҳаёл, пассив ҳаёл, продуктив ҳаёл, репродуктив ҳаёл. Ҳаёлга келтириш образлари. Ижод ва ҳаёл. Тасаввур ва унинг талаба фаолиятидаги роли. Ҳаёл ва тасаввурнинг ўзаро алоқадорлиги. Ҳаёлнинг муҳим феноменлари. Аглютинация, гиперболизация, типиклаштириш, схематизация, акцентлаштириш жараёнлари. Хориж психолог олимларининг ҳаёл тўғрисидаги фикрлари. Ҳаёлнинг психобиологик ривожланиши. Ҳаёлнинг функциялари.

5 модул. Тафаккур ва мустақил фикрлаш шарт-шароитлари

Тафаккурнинг билиш жараён сифатидаги моҳияти ва шахс шаклланишида тутган ўрни. Тафаккурнинг нерв-физиологик асоси. Тафаккур операциялари. анализ-синтез, таққослаш, абстракция, умумлаштириш, конкретлаштириш, классификациялаш, системалаштириш. Тафаккурнинг мантикий шакллари. Тафаккур турлари. Тафаккур сифатларини инсон интеллектуал тараққиётидаги ўрни.

Нутқ тўғрисида умумий тушунча. Тилнинг асосий функциялари. Нутқ фаолиятининг физиологик механизмлари. Нутқ ривожланиши даврлари. Нутқнинг ривожланиши хусусиятлари. Нутқ вужудга келишининг назариялари. Нутқнинг анатомик тасвири. Нутқнинг функционал элементлари. Нутқнинг эквивалент блок схемаси. Нутқ товушларнинг таснифи. Нутқнинг фонетик элементи. Нутқни идрок қилиш назарияси. Нутқ турлари (оғзаки нутқ, ёзма нутқ, монологик, диологик, полиологик нутқ, вербал, новербал, паралингвистик таъсир воситалари).

6 модул. Мотивация, ҳис-туйғу ва ирода

Мотивация. Мотив тушунчасига олимлар томонидан берилган таърифлар. Мотивация ва мотивларнинг назарий муаммолар Мотив муаммоси ва унинг ечимига доир мулохазалар. Ўзбекистон психологлари тадқиқотларида мотив ва мотивация муаммоси. Шахснинг шаклланишида мотивациянинг роли. Илк болалик ёш даврида хулқ-атвор мотивлари. Ўқув фаолияти мотивлари. Мотив классификацияси.

Ҳиссиёт Ҳиссиёт тўғрисида умумий тушунча. Ҳиссиётнинг ўзига хослиги. Эмоция, ҳиссиётнинг импрессиив томони, эмоционал ҳаракатларнинг экспрессиив томони, динамик стереотип, амбивалентлик. Ҳиссиёт ва эмоционал ҳолатларнинг физиологик асослари. Одам ва ҳайвон эмоциялари. Ҳиссий ҳолатларнинг ифодаланиши. Ҳиссий кечинмаларнинг шакллари. Ҳиссий тон, кайфият, аффект, стресс ҳолатлари. Юксак ҳислар. Праксик ҳислар, ахлоқий ҳислар, эстетик ҳислар, интеллектуал ҳиссиётлар. Шахс фидойилик туйғусини психологик баҳолаш. Ватанпарварлик ҳис-туйғусини баҳолаш мезонлари.

Ирода. Ирода ҳақида тушунча. Иродавий ҳаракатлар. Ироданинг нерв-физиологик асослари. Иродавий фаолиятнинг умумий хусусиятлари. Ирода борасидаги назариялар. Иродавий акт ва унинг тузилиши. Мақсад, тилак-ҳаваслар, ҳаракат мотивлари ва мотивлар кураши, қарорга келиш, қарорни ижро этиш, иродавий зўр бериш. Шахснинг иродавий сифатлари, иродани тарбиялаш, ироданинг индивидуал хусусиятлари.

7 модул. Шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари.

Темперамент, характер ва қобилият

Темперамент ҳақида тушунча. Темпераментнинг ривожланиш тарихи, темперамент типи. Қадимги юнон олими Гиппократ таълимотига биноан, инсонларнинг темперамент хусусиятлари жихатидан ўзаро бир-биридан тафовутланиши. Олий нерв фаолияти типи ва темперамент. И. П. Павловнинг шартли рефлектор фаолиятининг индивидуал хусусиятларини келтириб чиқарувчи омиллар темперамент билан боғлиқлиги ҳақидаги таълимоти. Нерв системаси типларининг келиб чиқиши. Темперамент хусусиятлари. Темперамент типлари. Фаолиятнинг индивидуал услуби ва темперамент. Темпераментни такомиллаштириш ва тарбиялаш. Касб танлаш ва темперамент. Оила куришда темперамент муносиблиги масаласи.

Характер. Характер ҳақида тушунча. Характернинг нерв-физиологик асослари. Характер типологияси. Шахснинг муносабатларини акс эттирувчи характер хислатларининг тўртта тизимга ажратиш. Характер акцентуацияси. Характер таркиби. Характернинг шаклланиши, характер тузилиши ва хусусиятлари. Характернинг таркиб топишида тақлидчанликининг роли. Характернинг ҳосил бўлишида низоли вазиятларнинг тутган ўрни. Шахслараро муносабатларда шахс характер хусусиятларининг шаклланиши ва ривожланиши. Оилавий муносабатларда шахс характер хусусиятларининг ўрни.

Қобилият. Қобилият ҳақида тушунча. Қобилиятнинг сифат ва миқдор тавсифи. Қобилиятлар тузилиши. Талантнинг пайдо бўлиши ва тузилиши. Қобилият ва талантнинг табиий шартлари. Қобилият назариялари талқини Қобилиятларнинг ривожланиши. Қобилият ва ирсият. Қобилият ва касб танлаш. Таълим жараёнида иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда улар билан ишлаш муаммолари. Чет тилларини ўрганишда қобилиятнинг тутган ўрни.

8 модул. Ёш ва педагогик психология фанининг предмети, вазифалари

Ёш психологияси ва педагогик психология фанининг мақсад, предмети, вазифалари ва тадқиқот методлари. Ёш ва педагогик психология фанининг тадқиқот соҳаси ва муаммолари. Ёш давлари психологияси фанининг асосий муаммолари. Ёш ва педагогик психология фанига оид илмий билимларнинг вужудга келиш тарихи.

9 модул. Ёш ва педагогик психология фанининг тадқиқот методлари

Ёш ва педагогик психология фанининг тадқиқот методлари. Ёш ва педагогик психология фанининг асосий соҳалари. Ёш давлари психологияси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси. Ёш ва педагогик психология фанининг принциплари. Б.Г.Ананьев психикани ўрганиш методларини тўрт гуруҳи (ташкилий, эмпирик, (амалий), натижаларни қайта ишлаш ва статистик натижаларни шарҳлаш методлари). Лонгитюд (узлуксиз) ва қиёслаш методи.

10 модул. Психик тараққиёт ва таълим

Психик ривожланиш ҳақида тушунча, унинг ўзига хос хусусиятлари. Психик ривожланишнинг асосий қонуниятлари. психик ривожланишнинг асосий омиллари, ёш тушунчалари. Психик ривожланишни даврлаштириш муаммоси (қадимий ва замонавий таснифлар). Ёш даврларининг психоанализ назариясидаги таснифи ҳақида (З.Фрейд), социогенетик ёндашувда ёш даврлари таснифи (Е. Эриксон). Ёш даврларининг етакчи фаолият нуктаи назаридан таснифланиши (Д.Б.Элконин). Психик ривожланишда ёш даври инқирози муаммоси.

11 модул. Илк болалик даврида психик ривожланиш хусусиятлари

Чақолоқлик даврининг психологик хусусиятлари. Ҳис-туйғунинг ўсиши (жонланиш). Гўдақлик даврининг психологик хусусиятлари. Гўдақ ва мулоқот. Гўдақда мулоқот кўламининг кенгайиши ва нутқнинг вужудга келиши. Бир ёш инқирози ҳақида.

Илк болалик даврида психик ривожланиш хусусиятлари, илк болалик даврида нутқнинг ривожланиш хусусиятлари. Илк болалик даврида ўз-ўзини англашнинг ривожланиши.

12 модул. Мактабгача ёш даврда психик ривожланиш хусусиятлари

Мактабгача ёш даврида психофизиологик тараққиётнинг умумий тавсифи. Ўйин мактабгача ёшдаги боланинг етакчи фаолияти сифатида (ўйин фаолиятининг моҳияти, турлари, билиш жараёнлари ва шахс тараққиётига таъсири, ўйинчоқнинг бола психик ривожланишига таъсири муаммоси). Мактабгача ёш даврида билиш жараёнлари ва нутқнинг ривожланишига хос хусусиятлар. Ж.Пиаже феноменлари ҳақида тушунча. Мактабгача ёш даврида тафаккур эгоцентризми муаммоси. Мактабгача ёш даврида эмоционал-иродавий сифатларнинг ривожланиш хусусиятлари. Мактабгача ёш даврида мотивацион соҳадаги ўзгаришлар ва шахснинг «биринчи туғилиши» (А.Н.Леонтев). 7 ёш инқирози, унинг сабаблари ва аломатлари. Мактабга психологик тайёрлик муаммоси.

13 модул. Кичик мактаб ёши даврида психик ривожланиш хусусиятлари

Кичик мактаб ёши даврида психик ривожланишнинг умумий тавсифи. Кичик мактаб ёшидаги боланинг мактабга мослашиши муаммоси. Кичик мактаб ёши даврида когнитив - аффектив соҳалардаги ривожланиш хусусиятлари. Кичик мактаб ёши даврида мотивацион соҳадаги ривожланиш хусусиятлари (ўқув фаолияти, шахслараро муносабатларнинг мотивацион асослари). Кичик мактаб ёши даврида боланинг ўзи ҳақидаги тасавурлари ва хулқ-атвори. Педагогик баҳо ва кичик мактаб ёши даврида психик ривожланиш алоқасининг психологик механизмлари. Кичик мактаб ёшида бола шахсининг ривожланиш хусусиятлари.

14 модул. Ўсмирлик даври психологияси

Ўсмирлик давридаги психик ривожланишнинг умумий тавсифи (ўсмирликда жисмоний ўсиш хусусиятлари, жинсий етилиш жараёни, унинг психик ривожланишга таъсири ҳақида умумий тушунча). Ўсмирлик даври инқирози ва унинг психологик, психофизиологик сабаблари. Ўсмирлик даврида интеллектуал ва эмоционал ривожланиш хусусиятлари. Ўсмирлик даврида мотивацион соҳадаги ривожланиш хусусиятлари (тенгдошлар билан мулоқот қилиш мотивацияси, ўқув фаолияти мотивацияси, жинсий хулқ-атвор мотивлари). Ўсмирлик даврида шахснинг ривожланиш хусусиятлари (шахс туғилишининг 2-даври – А.Н.Леонтев). Ўсмирлик даврида ўз-ўзига баҳо бериш тизимининг ривожланиш хусусиятлари. Ўсмирлик даврида характер акцентуацияси муаммоси.

15 модул. Илк ўспиринлик ёши даврида психик ривожланиш хусусиятлари

Илк ўспиринлик даври психологиясига умумий тавсиф (психофизиологик ривожланиш хусусиятлари, ўқув фаолияти хусусиятлари, ижтимоий хулқ-атвордаги умумий ўзгаришлар). Илк ўспиринлик даврида

интеллектуал ва эмоционал ривожланиш хусусиятлари. Илк ўспиринлик даврида дўстлашиш муаммосининг психологик хусусиятлари. Илк ўспиринлик даврида муҳаббат. Илк ўспиринлик даврида ўзини-ўзи англашнинг ривожланиши (ўзини-ўзи баҳолаш, ҳурмат қилиш, шахсий ва ижтимоий идентификация муаммолари). Илк ўспиринлик даврида ўқув-касбий фаолиятнинг етакчи фаолиятга айланиши ва касб танлаш муаммоси. Илк ўспиринликда касбга йўналтиришнинг психологик муаммолари. Ойлавий ҳаётга психологик таёрлик тушунчаси. Ёшларни ойлавий ҳаётга психологик таёрлашда психологик билимларнинг аҳамияти.

16 модул. Талабаларнинг психологик хусусиятлари

Талабалар ўқув фаолиятининг хусусиятлари. Таълимдаги қийинчиликларни бартараф этиш. Талаба шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятларини текшириш. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорлиги – таълим самарадорлигининг муҳим омили сифатида. Талабалар ҳаёти ва фаолиятини ўзгартирувчи асосий омиллар. Талаба эътиқоди, дунёқараши, ўзини ўзи назорат қилиши

17 модул. Етуклик даврининг психологик хусусиятлари

Ёшлик даври ва унинг ўзига хос психологик хусусиятлари. Етуклик даврининг биринчи босқичидаги шахснинг психологик хусусиятлари. Етуклик даврининг иккинчи босқичидаги шахснинг психологик хусусиятлари.

18 модул. Психогерантология – кексалик психологияси

Психогерантология ҳақида умумий тушунча. Биологик кексайиш. Кексайиш давридаги шахс психологияси. Кексалик давридаги шахснинг психологик хусусиятлари. Узоқ умр кўрувчиларнинг психологик хусусиятлари

19 модул Педагогик фаолият психологияси

Педагогик фаолият психологияси. Ўқув фаолиятининг психологик моҳияти. Педагогик жамоадаги психологик муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари. Билимларни ўзлаштириш жараёни ва унинг психологик компонентлари. Таълим олаётган шахсга психологик-педагогик таъсир этиш. Педагоглар жамоасидаги ўзаро муносабатлар психологияси.

20 модул. Таълим психологияси.

Таълим психологиясининг моҳияти. Билимларни ўзлаштириш жараёнининг моҳияти ва структураси. Ўқувчиларда илмий тушунчалар ва мантиқий тафаккурнинг шаклланиши. Ўқувчиларда ақлий амаллар ва интеллектуал жараёнларнинг шаклланиш қонуниятлари. Ижодий тафаккур, унинг хусусиятлари ва шаклланиш йўллари. Таълимнинг янги технологиялари ва унинг психологик масалалари. Таълим жараёнида психик жараёнларни

ривожлантириш қонунияти. Таълим жараёнининг муваффақияти ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар.

21 модул.Тарбия психологияси

Тарбия назарияси бўйича турли хил концепциялар ва уларга муносабат. Инсон хулқининг ахлоқий асослари ва уни шакллантириш хусусиятлари. Шахснинг ўз-ўзини ва ўзининг ахлоқини назорат қилиш муаммоси. Тарбиянинг мақсади, вазифалари ва усуллари. Шахс тарбиясига комплекс ёндашиш принципи ва унинг психологик компонентлари. Тарбия жараёнида болаларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятлари. Таълим-тарбия ва ривожланиш ўртасидаги ўзаро муносабат муаммоси. ”Тарбияси қийин” болалар психологияси.

22 модул. Ўқитувчи психологияси

Педагог шахси психологияси. Педагогик маҳорат ва унинг шаклланиши. Педагогик қобилиятлар ва уларнинг структураси ҳамда уларни аниқлаш ва шакллантириш усуллари. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар. Ўқитувчи шахсининг ўқувчи шахси камол топишига таъсири. Ўқитувчи шахсининг хислатлари. Педагогик такт ва педагогик ахлоқнинг психологик асослари. Ўқитувчи шахси ва унга қўйиладиган талаблар. Педагог шахси ҳақида Шарқ мутафаккирларининг қарашлари. Педагог шахсига қўйиладиган психологик-педагогик талаблар ва унга оид зарур хислатлар. Педагогик профессиограмма. Педагогик такт психологияси.

Ўқитувчи психологияси. Ўқитувчининг вазифалари. Ўқитувчининг касбига хос хислатлари. Педагогик қобилиятлар. Ўқитувчи профессиограммаси. Жамиятда ўқитувчининг тутган ўрни ва вазифалари. Замонавий ўқитувчига қўйиладиган талаблар. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар. Ўқитувчининг компетенцияси. Ўқитувчининг ўз малакасини ошириб боришнинг психологик муаммолари.

Семинар машғулоти

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- семинар машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;

- талабани назарий-методик жихатдан тайёрлаш;
- семинар машғулотлари нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Умумий психология фани предмети ва вазифалари
2. Умумий психология фанининг илмий тадқиқот методлари
3. Психика ва онгнинг тараққиёти
4. Фаолиятнинг психологик талқини
5. Шахс
6. Сизги ва идрокнинг психологик моҳияти
7. Диққат психологик жараён сифатида
8. Хотира
9. Хаёл ва тассавур ҳақида тушунча
10. Тафаккур
11. Нутқнинг психологик таснифи
12. Эҳтиёж ва қизиқишларнинг психологик таснифи
13. Шахснинг установкаси, эътиқоди ва дунёқараши
14. Мотив ва мотивация
15. Ҳиссиёт
16. Ирода
17. Темперамент
18. Характер
19. Қобилиятлар
20. Ёш давлари психология фанининг предмети ва вазифалари
21. Психик тараққиёт ва таълим
22. Илк болалик даврining психологик хусусиятлари
23. Мактабгача ёшидаги болаларнинг психик ривожланишининг ўзига хослиги
24. Кичик мактаб ёши даврида психик ривожланиш хусусиятлари
25. Ўсмирлик даври психологияси
26. Ўспиринлик даври ва касб танлаш психологияси
27. Талабаларнинг психологик хусусиятлари
28. Етуклик даври психологияси
29. Психогерантология – кексайиш психологияси
30. Педагогик фаолият психологияси
31. Тарбия психологияси
32. Ўқитувчи психологияси

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба “Умумий психология” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

1) мавзулар бўйича конспект (реферат, такдимот) тайёрлаш. Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалига диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Талаба конспекти турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради, вақтни тежайди;

2) ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш. Талабалар маъруза ва амалий машғулотлар давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат учун тест топшириқлари в.б;

3) фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш. Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;

4) интернет тармоғидан фойдаланиш. Фан мавзуларини ўзлаштириш, мавзу бўйича интернет манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари билан рағбатлантирилади;

5) мавзуга оид масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иштирок этиш;

6) амалиёт турларига асосан материал йиғиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, ҳисоботлар тайёрлаш;

7) илмий семинар ва анжуманларга тезис ва мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;

Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўлларини аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб борувчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзуни ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади.

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуги ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари

1. Умумий психология фанининг ўрганилиши
2. Ўзбек психологик олимлари
3. Рус психолог олимлари
4. Хориж психолог олимлари
5. Психологияда билиш жараёни ўрганилиши
6. Психология фанининг предмети ва асосий вазифалари
7. Шахснинг, ҳиссий, иродавий соҳаси ва ҳиссиётлар ҳақида
8. Сизги психик жараён сифатида
9. Идрокнинг таърифи ва унинг хусусиятлари
10. Психиканинг фелогенетик тараққиёти
11. Диққатнинг ривожланиши ва диққат фаолиятнинг зарурий шарти
12. Хотира, хотиранинг нерв физиологик асослари
13. Фаолият ва унинг турлари
14. Тафаккур инсон интеллектуал тараққиётидаги ўрни
15. Таълим муассасаларидаги психологик хизмат мазмуни.
16. Ижтимоий психология. Социометрия методи.
17. Мулоқот ижтимоий психологиянинг предмети сифатида.
18. Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси ва Этнопсихология
19. Кичик гуруҳлар психологияси: классификацияси, динамик жараёнлар
20. Шахснинг ижтимоийлашуви. Ижтимоий установкалар

21. Темперамент типига мос жуфт танлаш- оилавий муносабатлар мустаҳкамлиги омили сифатида
22. Нерв системаси ва темперамент
23. Инсон характери ва шахс камолоти
24. Қобилиятнинг тузилиши
25. Ёш психологияси мустақил фан сифатида қандай ривожланади?
26. Ёш психологиясининг илмий тадқиқот методлари методларини
27. Психик ва биологик тараққиёт шартлари.
28. Ёш тараққиётини даврларга бўлиш
29. Ёш тараққиётининг даврларга бўлиниши.
30. Гўдаклик даврида психологик тараққиёт.
31. Эрта болалик даврида боланинг аклий ривожланиши.
32. Боғча ёши даврининг психологик хусусиятлари.
33. Эмоционал-иродавий хислатлари шаклланиши
34. Мактаб таълимига психологик тайёргарлик.
35. Боғча даврининг ўзига хос хусусиятлари.
36. Мактабга кириш билан боғлиқ психологик қайта қурилиш.
37. Кичик мактаб ўқувчиларида билиш жараёнларининг ривожланиши.
38. Ўқувчиларни ўз-ўзини англаши ва қизиқишлари.
39. Бола тараққиётида ўсмирлик ёшнинг тутган ўрни.
40. Ўсмирлик даврининг асосий хусусиятлари.
41. Ўсмирлик ёшида жисмоний тараққиёти.
42. Ўспирин - ижтимоий психологик ходиса сифатида.
43. Мулоқот ва эмоционал ҳаёт.
44. Ўспиринлик даври ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
45. Педагогик тактнинг психологик асослари.
46. Педагогик жамоадаги психологик иқлим.
47. Таълимнинг муваффақиятига таъсир этадиган омиллар
48. Билим, кўникма ва малакаларни ошириш масалалари
49. Психологияда тарбия механизмлари.
50. Ўқитувчининг педагогик қобилиятлари

Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Жумладан:

– психология тараққиётнинг умумий асослари, умумий психология бўлимларига тегишли маъруза дарсларида замонавий компьютер

технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологияларидан;

– Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий илғор интерфаол усулларида, педагогик ва ахборот коммуникация технологияларининг презентация (тақдимот), мультимедия ва электрон-дидактик материаллардан фойдаланилади. Семинар машғулотларида ақлий хужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, тақдимот, кейс стади, каби усул ва психотехникалардан кенг фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Ғозиев. Э.Ғ. Умумий психологияси. Т., ТошДУ, 2010.
2. David G. Myers Psychology, © 2010 by Worth Publishers
3. Джеймс У, Калат. Psychology. 2013
4. Рогов Е.И. Общая психология. Курс лекций. Учебник для ВУЗ. М-2002
5. Маклаков А. Г. Общая психология: ответы на экзаменационные билеты»: Питер; Санкт-петербург; 2012

Қўшимча адабиётлар

1. Немов Р.С. Психология. Книга 1-М.: 2002.
2. Айзенк М. Психология для начинающих. “Питер”, 2000.
3. Эббингауз Г. Бэн А. Ассоциативная психология. М-1998. классики зарубежной психологии
4. Дружинин В. Н. Психология общих способностей. 2-е изд. СПб.: Питер, 1999.
5. Юрчук В.В. Общая психология в схемах и моделях. Минск-2004

Интернет сайтлари

1. www.expert.psychology.ru
2. www.psychology.all.ru
3. www.psychology.net.ru
4. www.koob.ru